

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИНИ БЕЛГИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида 19 январь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти улкан иқтисодий имкониятлари, географик ва транспорт салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари билан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар худуднинг саннат салоҳиятини юксалтириб, экспортбон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилаётган бўлса, аграр тармоқда юз бераётган ўзгаришлар аҳолининг тўқин, обод ҳаётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 февраль кунлари вилоятга ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, кўплаб янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўли қўйилди. Сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари янги босқичда ривожланишга юз тутди. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этишга эътибор янада кучайди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллаҳона билан танишди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллаҳона билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида "Ўзбекипанасанот" уюшмаси ташкил этилган эди. Уюшма томонидан бугунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида соҳага инновацион гоа ва технологиялар жорий этилмоқда.

Илгор хорижий тажрибалар асосида 2017 йилда барпо этилган пиллаҳонада плёнка остида ҳамда сунъий дасталарда саннатбон хом ашё етиштирилади. Бунда барг сарфи 30 фоизгача камаяди, шу билан бирга, биринчи-иккинчи ёшдаги ипак қурти боқилиб, касаначиларга тарқатилади. Сунъий дасталарнинг афзаллиги шундаки, кўрт пиллани стандарт ҳолатда ўради.

5 гектарлик қўртхонада 10 киши доимий, 70-75 киши мавсумий ишлади. Бу ерда 100 бош парранда, 50 қўти асалари, шунингдек, чорва моллари, қўён парваришланмоқда.

Ушбу маскандаги тўздор ҳам инновацион усулда, 0,90x0,20 схемаси асосида ташкил этилган. Бунда бир гектарга 55 минг тупдан зиёд тут кўчати ўтказилади ҳамда йилига уч марта барг олинади. Шу асосда вилоятда йилига 2-3 марта пилла етиштириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Президентимиз "Ўзбекипанасанот" уюшмаси ташкил этилгандан сўнг пиллаҳона соҳасини ривожлантириш борасида ижобий қадамлар ташланаётганини таъкидлади. Тармоқда эришилаётган ютуқларда соҳа учун пухта ҳуқуқий асос яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили пилладан мамлакатимизда илк бор тажриба тариқсида уч марта ҳосил олишга эришилди. Барча худудларда қўртхона мажмуалари курилади бошланди. Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 51, мамлакатимиз бўйича 151 пиллаҳона мавжуд.

Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилда пиллаҳоналарни 10 мингга, пилла экспортини йилига 1 миллиард долларга етказиш зарурлигини қайд этди. Бунинг учун мавжуд тўздорларнинг барчаси "Ўзбекипанасанот" уюшмасига берилди. Ҳар бир тўздорда биттадан пиллаҳона курилади. Тут қатор ораларига қишлоқ хўжалик экинлари экилади.

Вилоятнинг ўтган йили пиллаҳонада юқори самардорликка эришган фаол пиллаҳоналарига Президентимиз совғаси сифатида 12 та "Damas" автомобили ҳамда иккита қишлоқ хўжалик техникаси топширилади.

Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иссиқхоналар, анорзорлар, ёнғоқзорлар, интенсив боғ ва тоқзорлар, коврак ва писта плантациялари, балиқчилик ва паррандачилик комплексларини ташкил этиш, ер ўлчашда дроилардан фойдаланиш каби лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида интенсив технологиялар асосида истиқболли лойиҳаларни изчил амалга ошириш, халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда мева-сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, вилоятда янги тармоқларни ўзлаштириш ҳисобида иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда Россия, Австрия, Исроил ва бошқа давлатлар ишбилармонлар билан вилоятдаги инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорлик ишлари бошланган. Президентимиз ишбилармонлар билан суҳбатда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш ва хорижий инвесторлар мафҳазларини ҳимоя қилишга қаратилаётган эътибор

туфайли ташиқ бозорда Ўзбекистоннинг шериклари кўпайиб бораётганини, Сурхондарё вилоятида ҳам улар учун қўлай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев вилоятга аввалги ташрифи чоғида балиқ, туҳум ва парранда гўшти етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасидаги лойиҳалар билан танишиб, зарур тавсиялар берган эди. Тақдирот чоғида ана шу лойиҳалар ижроси атрафлича муҳокама этилди. Боботог ўрмон хўжалиги ерларида пистазор, бодомзор ва ёнғоқзорлар, коврак плантациялари барпо этиш, "Ўсимликлар клиникаси" ташкил этиш орқали аҳоли томоқсизда етиштирилаётган мева-сабзавот экинларини зараркунанда ҳашаротлардан асраш каби лойиҳалар юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Президентимиз Ҳақим Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Зиёрат чоғида Қозогистоннинг Ақтобиски вилоятида юртдошларимиз вафот этганидан чуқур қайғуда эканини айтиб, уларнинг яқинларига таъзия билдирди. Марҳумлар ҳақида Курьон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёев "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли "Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда "ASG Group" корхоналар уюшмаси таркибида 18 корхона фаолият юротади. Уларнинг 6 таси Сурхондарё вилоятида ташкил этилган. Мазкур корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. 2016-2017 йиллар Хитой, Афғонистон, Покистон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Туркия ва МДҲ давлатларига 74 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилган. Жорий йил экспорт ҳажминини 150 миллион долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли 2 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Келгусида Денов, Сарюсий, Олтинсой, Ангор, Музработ туманларида ҳам йирик логистика марказларини ишга тушириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЁҒ-МОЙ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш бозорни сифатли, хавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, хом ашё базисининг чекланганлиги, жумладан, муқобил ёғ олинадиган экинлардан етарлича фойдаланмаслик ёғ-мой корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солишни таъминлаш ва бозорнинг сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабни қаноатлантириш имконини бермайди.

Ёғ-мой корхоналарида замонавий технологияларнинг паст даражада жорий этилганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини лозим даражада назорат қилиш ва ҳисобини юритишга тўқинлик қилмоқда, хом ашё ва тайёр маҳсулотларни талон-тороқ қилиш ҳолатлари, шунингдек, бошқа суиистеъмолчиликларга олиб келмоқда.

Хом ашё ресурслари ва тайёр ёғ-мой маҳсулотларини тақсимлашнинг самарасиз ва замонавий бозор принципларига жавоб бермайдиган механизми кўп сонли чайковчилик бўғинлари ва бозорда сунъий таъқиллик юзага келишига ҳамда оқибатда ёғ-мой маҳсулотларини нархининг асоссиз ўсишига олиб келмоқда.

Ёғ-мой тармоғини замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантиришни таъминлаш ва ёғ-мой саннатини бошқариш тизимини тақимлаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси вазидаларига мувофиқ:

1. Қўйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш тизимларини ўрганиш натижалари; "Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКга тегишли

бўлган "Ўзпахтаёғ" АЖ устав капиталдаги улуш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3408-сон қарорига мувофиқ давлат мулкига номинал қиймат бўйича ўтказилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ресурс базисини кенгайтириш, ёғ-мой корхоналаридаги асбоб-ускуналарни модернизация қилиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва ҳисобини юритишнинг замонавий тизимли билан жиҳозлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг шрот ва шелухани сотиш бўйича "Озуқа ем таъминоти" МЧЖ корхоналарини тутатиш;

кейинчалик саннатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракти пахта ёғи биржа савдолари орқали фақат "Ўзпахтаёғ" АЖ корхоналарига сотилиши ҳақида тартибни белгилаш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

4. 2019 йил 1 январга қадар мuddатда ўсимлик ёғини ишлаб чиқарувчилар импорт ёғ-мой хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва "Ўздонмаҳсулот" АЖ билан биргаликда икки ой мuddатда омухта ем ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича, жумладан:

омухта ем ишлаб чиқариш юзасидан амалдаги қувватларни инвентаризациядан ўтказиш;

омухта ем ишлаб чиқариш учун бозордаги эҳтиёж ва мамлакатда мавжуд

бўлган ресурс базисини ўрганиш; чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик секторлари бўйича омухта ем тайёрлашнинг илмий асосланган рецептларини ишлаб чиқиш;

маккажўҳори ва бошқа бошоқли дон экинларидан, шунингдек, ёғ-мой, ун маҳсулотлари, спирт ва пиво ишлаб чиқаришдаги чиқиндилардан омухта емнинг замонавий саннат ишлаб чиқарилишини ташкил этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазидалар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой мuddатда:

чигитни қайта ишловчи ёғ-мой корхоналарини чигитни юклаш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнини реал вақт режимида кузатиш, жумладан, хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ўлчаш ва ҳисобини юритиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлар билан;

чигит, пахта ёғи, шрот ва шелухани ташийдиган юк автомашиналарининг ҳаракатланишини реал вақт режимида мониторинг қилиб бориш учун уларни замонавий GPS трекерлар билан жиҳозлаш бўйича чоралар кўрсин.

7. "Ўзпахтаёғ" АЖ Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қўнун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазидалар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т.Мирзаев, Н.С.Отанов ва С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

КРИСТАЛИНА ГЕОРГИЕВА:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМАН

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 январда Жаҳон банки бош ижроси директори Кристаллина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Кристаллина Георгиева давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдирди:

– Ўзбекистонга мамлакатини ўзгариштиришга шайсий иродаси кучли инсон раҳбарлик қилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ривожланиш истиқболини кўра билмиш қобилиятига эга. Ўйланган барча мақсадларга эришишга қалб билан ёндашади.

Ўзбекистонда валюта курсини либераллаштиришга оид

сиёсат тўғри танлангани амалда ўз иботини топмоқда. Бизнес вакиллари бу иқтисодиёт ва савдон ривожлантириш учун улкан имкониятлар очётганини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Президентининг мақсади аҳолининг имкониятлари, истеъдодини рўёбга чиқариш имконини берадиган ислохотларни амалга оширишдан иборат. Яъни одамлар ҳаётининг турли соҳаларида ўз салоҳиятларини тўла намоён этсин. Ўзгаришларга қаратилган юксалиш жуда муҳимдир. Якунига етган йил эса мамлакатда жиддий ўзгаришлар даври бўлди.

Жаҳон банки Ўзбекистон

ҲАМДАРДЛИК

Қозогистон Республикасининг Ақтобиски вилоятида 2018 йил 18 январь кунини содир бўлган фожиа оқибатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳалок бўлгани муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарлари номидан ҳамдардлик мактублари келмоқда

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номига Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Венгрия Президенти Адер Янош, Чехия Республикаси Президенти Милош Земан томонидан йўлланган самимий ҳамдардлик ва қўллаб-қувватлаш сўзлари битилган мактублар келди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари ўз мактубларида Ўзбекистон фуқаролари ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар уларни чуқур қайғуга солганини таъкидлаган. Содир бўлган фожиа муносабати билан улар Ўзбекистон Президенти, ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинлари, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик изҳор этган.

Ҳамдардлик номалари келиши давом этмоқда.

ЎЗА



ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Фаргона шаҳридаги "Йўлдошев номли МДМ" клиникасида қарийб 60 шиқоқор ва ҳамшира аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Марказда мавжуд замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар беморларга аниқ ташхис қўйиш, касалликларни эрта аниқлаш, самарали да-

волаш имконини бераётир. Хусусан, Германиядан келтирилган Сименс Соматом Эсфрит компьютер томографияси ёрдамида бош миёга

қон қуйилиши, ўсмалар, ички аъзолардаги жароҳатлар, аёлларда учрайдиган ҳамда патологик касалликлар аниқланади. Фибро индос-

коп ва фибро колоноскоп аппаратлари қизилўнғач, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, йўғон ичакдаги муаммоларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этишда яхши самара бермоқда. Клиникада, шунингдек, рентгенография, УЗД текшируви, лаборатория таҳлилларини ўтказиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Жанубий Корея делегацияси Халқ қабулхонасида давлат хизматларини тақдим этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни, аҳоли учун яратилган шароитлар, шиқоқ ва аризалар ижросини назорат қилиш механизми билан яқиндан танишди.

Халқ қабулхонасида аҳолидан тушаётган мурожаат, ариза ва шиқоқларни рўйхатга олиш, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча ташкилий жараён ягона марказлашган тизим ёрдамида амалга оширилади. Аҳолига қўшимча қўлайлик яратиш имконини бераётган кутуш, тиббий, она ва бола, ногиронларни қабул қилиш хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

Фаолиятини савдо ходимлигидан бошлаганман. Кейинчалик Сардоба шаҳарчасидаги ишламаётган нон ишлаб чиқариш корхонасини тиклаб, аҳолига қоллипли нон, макарон маҳсулотлари етказиб бера бошладим. Етти йил ана шу корхонани бошқардим.

Биз яшаётган ҳозирги Бобур номли сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудда ерларнинг қаровсиз қолаётгани, кенг майдонлар умри бекор ўтаётганини кўриб, юрагим ачишиб кетарди. «Бўш ётган, қаровсиз ерни олиб, фермер ҳужалиги ташкил этсак, қандай бўлар экан», дея ўйладим. Шу тарзда 2000 йили оила аъзоларимиз билан «Ғулом ота» фермер ҳужалигига асос солидик. Кўз қўрқок, қўл ботир, деганларидек, енг шимариб, ишга киришдик. Тўқай бўлиб кетган майдонларни, аввало, туякорин, қамишдан тозаладик. Сўнгра тупроқ пасти қатламидаги зангни йўқотиш мақсадида ерни икки марта шудгорладик. Ҳайдалиб, яхобга қондирилган далага фаёз кирди. Ер тобга келиб, экин-тикин ишларини бошлаб юборганча, ўзимга ишончим орди. Шу йили авваллари 14-15 центнердан ҳосил олиб келинган майдонларнинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта йигиб-териб олдик. 2009 йил ҳужалигимизда галла ҳосилдорлиги 45, пахта ҳосилдорлиги 35 центнерга етказилди. Фермер ҳужалигини катта ўғлим Сафар Мамадалиевага топшириб, фаолиятни тугатилган мўлдорларнинг ерини олиб, «Нурафшон орзу бўстони» фермер ҳужалигини ташкил этдик. 2013 йилга келиб, фермер ҳужалигимиз экин майдони 130 гектарга етказилди. 20 гектар майдонга қўшқатор усулда чигит экиш тажрибасини вилоятда биринчи бў-

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛМАЙ, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНОЛМАЙМИЗ

либ амалдаги синаб кўрдик. 90 лик усулидаги нибатан гектарларда 1,5 барабар кўп кўчат ўстирилиши, парваришда ишлов ва сугориш, ғўза баргини чилпиш тадбирларини омиқорлаб билан ўтказишимизда эвазига 40 центнердан сара пахта еттиштирдик. 2014 йилда эса 125 гектар ерда қўшқатор усулда ғўза парваришда, ҳосилдорлики 50 центнерга олиб чиқдик. Тажрибамиз ошиб бориши билан экин майдонларини кенгайтириб боравердик. Кейинчалик оила аъзоларимиз билан келишиб Бобур номли СИУ ҳудудда яна 3 та янги фермер ҳужалиги ташкил қилдик. Ана шу ҳужалиқларнинг бирини ўғлим Зафар, бирини турмуш ўртоғим Шаробиддин Мамадалиева, яна бирини укам Тоғаймурод Азизов бошқармоқда. Оилавий фермер ҳужалиқларимиз негизда «Оқ-олтин сардори» сув истеъмолчилари уюшмаси ташкил топди. Умумий ер майдонимиз 1500 гектардан ошди. Фермерликни ривожлантириш, иқтисодий ўйлаб иш юритишимиз самарасида ўтган йиллар ичида ҳужалигимизга икита юк ташвиш автомашинаси, 2 та замонавий ҳайдов трактори, «Класс» русум-

тармоқлик яхши йўлга қўйилган ҳужалиқда иқтисод барқарор бўлади. Шуларни эътиборга олиб чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида масъулият билан ёндашянимиз. Ҳозир ҳужалигимизда 150 бош қорамол, 600 бош қўй-эчки бор. Иссиқ оват учун ғўш, мева, сабзавот, картошка, гурчу ва бошқа маҳсулотлар ўзимиздан чиқди. Бундан ташқари, сут, қатиқ дастурхонларимизда ҳаммиша бисёр. Ишчиларимизга ойлик маошларига қўшимча равишда бугдой, гурчу, мош тарқатамиз. Сен муҳтожларга бирни берсанг, худо сенга ўрни беради, деган гап бор. Бунга амал қилиб, ўтган йилнинг ўзида кам таъминланган, эҳтиёманд оилаларга 26 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдик. Икки нафар талабанинг ўқиш учун контракт пулини тўлаб, қишлоқдаги 3 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказиб бердик. Ўтган йили 94 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан сара дон ўриб-йигиб олдик. Пахта ҳосилдорлиги ҳужалигимизда 40 центнердан ошди. 30 гектар майдонга экилган мошнинг ўзидан

150 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. Камтарин меҳнатини Президентимиз муносиб тақдирлади. Ўтган йили «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётни

биримиз ана шу гаҳмўрликларга яраша меҳнат қилишимиз, биз етиштириётган маҳсулотлар дунё бозоридан муносиб ўрин топтоғи учун курашмоғимиз даркор. Ҳозирда 2 гектар майдонда замонавий иссиқона қурапмиз. Бу кишин-ёзин помидор ва бодиринг маҳсулотлари

Фарғона вилояти

«ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ»

Ҳозирги шароитда, айниқса, мулкчилик шакллари ва ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайиб бораётган бир пайтда аудит хизматига бўлган талаб ортмоқда. Республикада мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, аудит ташкилотлари тузилди.

Аудитнинг асосий вазифаси маълумотларни йиғиш ва баҳолаш орқали молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги, амалга оширилган молиявий ва ҳўжалик операцияларнинг қонунийлик меъёрига мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоб юритишга доир талабларга мос келишини мустақил равишда текшириш ҳамда таҳлил қилишдан иборатдир.

Яқинда Ўзбекистон Аудиторлар палатасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Франция, Буюк Британия, Россия, Грузия, Қозғистондан соҳанинг етух мутахассислари иштирок этиб, халқаро аудит андозалари бўйича иш юритиш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, соҳа ривожини таъминлашда ўзига хос аънава ва қарашларни таҳлил қилиш каби масалаларда ўзаро тажриба алмашилди.

Фарғона вилоятидаги мавжуд 7 та аудиторлик ташкилотидан 50 нафарга яқин малака сертификатига эга бўлган аудиторлар хизмат кўрсатмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасида вилоят мамлакатимизда етакчи ўринларда туради.

– 2018 йилнинг Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинган айни диллимиздаги гап бўлди, – дейди Фарғона вилояти Аудиторлар палатаси раиси М. Ботиров. – Албатта, тадбиркорлик ривожланса, янги инновацион гоғлар ва технологиялар жорий этилса, иқтисодиёт юксалади. Бу жараёнда биз ҳам тадбиркорларга кўмак берамиз, фаолиятни ривожига ҳисса қўшамиз. Шунингдек, молиявий нуқсонларни ўз вақтида аниқлаб, биргаликда бартараф этиш чораларини кўраемиз.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Жиззах вилояти

ТААССУФ



ЭКИНИН ПАЙҲОН ЭТГАНГА ЖАЗО БОР

аммо фермернинг ўзи бунга йўл очсачи?

Бир ниҳолни парваришлаб, ундан ҳосил олиш қанчалик машаққатли меҳнатлигини барчамиз яхши биламиз. Агар экин пайҳон қилинса, ундан келадиган зарар-чи? Бундан нафақат деҳқон меҳнатига, балки эл ризқига ҳам зиён етади.

Шу боис экинлар пайҳонининг олдини олишда деҳқонларга кўмаклашиш мақсадида ички ишлар бўлими, ҳокимликлар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда маҳалла посбонларидан иборат гуруҳлар профилактик ва назорат тадбирларини мунтазам уюштирмоқда. Бу йўналишда қонунбузарликлар кузатилганда тегишли тартибда маъмурий чоралар қўлланилади. Чунончи, 2017 йил пахта мавсумида Жиззах вилояти ИИБ профилактика инспекторлари томонидан Мирзаюл туманида 7 та, Шароф Рашидов ва Пахтақор туманларида 6 тадан, Дўстлик ва Арнасо туманларида 5 тадан, Зарбод ва Зафарбод туманларида 10 тадан ана шундай ҳолатлар аниқланган.

– 2017 йил пахта терими мавсумида 26,03 гектар пахта майдонининг 222 та йирик шохли, 206 та майда шохли моллар томонидан пайҳон қилиниши кузатилди, – дейди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси инспектори Гулбаҳор Расулова. – Натияжада пахтачилик фермер ҳўжалиқларида 27 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий зарар етказилди. Пайҳон ортидан фермер ҳўжалиқларига етказилган зарарнинг асосий қисми чорва моллари эгалари томонидан қўлланган, қолган қисмини ундириш чоралари кўрилади.

Айни вақтда ҳам бу йўналишдаги ишлар сувайтирилмапти. Жойларда фермерлар ва аҳоли иштирокда ўтказилаётган профилактик тадбирларда ички ишлар идоралари вакиллари томонидан экин майдонлари оёқости этилганда чорва моллари эгаларига қандай чоралар кўрилиши ҳақида атрофлик маълумотлар берилаётди. Шунга қарамадан жорий йилда ҳам вилоятнинг турли ҳудудларида пайҳон билан боғлиқ қонунбузарликлар кузатилмоқда.

Жумладан, 2018 йилнинг 2 январда Дўстлик тумани «Саритепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Аслиддин Абдураимовнинг икки бош қорамоли «Сардорбек-Муноси» фермер ҳўжалигига тегишли 0,03 гектар галла майдонининг пайҳон қилган. Фермерга етказилган зарар миқдори 235 минг сўмни ташкил қилди.

5 январда Дўстлик туманидаги «Бурибоев Абдор» фермер ҳўжалигининг 0,05 гектар галла майдони пайҳон қилинди. 555 минг сўмлик зарарни ҳудуддаги «Манас» ҚФЙ ал-Форобий кўчасида яшовчи бошқа бир фермер Намоз Бекмуродовнинг 5 та қорамоли етказган эди.

13 январь кун Дўстлик туманида яна бир пайҳон кузатилди. «Тупроқдан мадад» фермер ҳўжалигининг 0,5 гектар галла майдонининг «Манас» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Назарқул Норбоевнинг бошқосиз қолган икита қорамоли оёқости қилган эди.

8 январь кун вилоятнинг Шароф Рашидов туманидаги «Қуркам шаршара» фермер ҳўжалиги даласига бир сурув қорамол тушиб, 1,5 гектар майдонни пайҳон қилган. Қизғи шундаки, қорамоллар мазкур фермер ҳўжалиги раҳбари Абдурахмон Шодмонқуловга тегишли бўлиб чиқди.

Юқорида келтирилган қонунбузарликларнинг барчаси жойлардаги профилактика инспекторлари томонидан аниқланган. Қисқаси, қаршида ИИБ томонидан бу йўналишдаги қонунбузарликларга вилоти кескин чоралар кўрилади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТИР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқарилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли манфаатларини таъминлаш мақсадида иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш борасида тизимли ишлар назарда тутилган. Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳам айни шу йўналишдаги ишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавдонинспекция» томонидан олиб борилаётган ишларда халқимизга етказиб берилаётган дон маҳсулотлари сифатини янада ошириш, бу жараёнда замонавий технологияларни киритишга эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, энг аввало, тизимда фаолият юритаётган кадрлар малакаси ва савияси янада оширилади.

Инспекциянинг марказий лабораторияси ва унга қарашли 8 та филиал томонидан ўтган йилда дон ва дон маҳсулотларини сертификатлаш, сифатини таҳлил қилиш бўйича 700 миллион сўмга яқин хизмат кўрсатилди. Улар асосан фермер ҳўжалиқларига, хусусий тадбиркорлар томонидан дон ва дон маҳсулотларини экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича амалга оширилди.

Марказий лабораторияда 2017 йилда модернизация қилиш дастури тўлиқ амалга оширилиб, замонавий талабларга жавоб берадиган ўлчов воситалари билан жиҳозланди. 2018 йилда ҳам бу ишлар изчил давом эттирилади.

Фан-техниканинг жадал суръатлари ривожланиши, аҳоли сонининг кескин ошиши табиий захиралардан оқилона фойдаланган ҳолда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришни талаб этмоқда. Маълумки, сўнгги 50 йил ичида ер юзи аҳолиси деярли уч маротаба ўсди. Транспорт воситалари сони, электр энергиядан, нефть ва газдан фойдаланиш, ёғоч истеъмол, қозғола бўлаётиб талаб бир неча баробар ошди. Табиий захиралардан фойдаланишнинг кескин ортиши, инсониятнинг табиат қонуниятларига бўйсунмасдан унга таъсир кўрсатиши оқибатида экологик муаммоларнинг долзарблиги янада ортиб бормоқда.

ТАБИАТНИ АСРАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Бугун тоза ичимлик суви муаммоси дунё ахлини жиддий ташвишга солимоқда. Йилга ер юзидан 13 миллион гектар ўрмонзор йўқ қилинмоқда. 2050 йилга бориб ҳайвонот турларининг 25 фоизи йўқолиб кетиши мумкин. Маиший ва бошқа турдаги чиқиндилар ҳамми ўсиб бормоқда...

Экологик муаммоларни комплекс ҳал этишда нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларининг сайё-ҳаракатларини бirlаштириш талаб этилади. Шу боис юртимизда бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш йўлида жиддий қадамлар ташланди. Бу борада Ўзбекистон экологик ҳаракати экологик таълим-тарбия ма-

га маълумот киритилди. Ходимларнинг тажрибасини ошириш ҳамда фермерлар, ғаллакорлар, қайта ишлаш корхоналари ходимлари билан яқинроқ муносабат ўрнатиш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар, тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Уларнинг ҳар тарафлама етух мутахассис бўлишини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Тошкент кимё-технология институтини таҳсил олаётган талабаларга Марказий лабораторияда замонавий жиҳозлардан фойдаланган ҳолда амалиёт ўташ учун шароит яратиб берилди. Ҳозирда 10 нафар талаба ва докторант бу лаборатория базасида амалиёт ўтамоқда. Шунингдек, йигирма беш нафар лаборатория ходими мувофиқликни баҳолаш мутахассислари сифатида сертификат олди. Бу билан Марказий лаборатория ва унинг филиалларида ишлаб келаётган барча мутахассислар мувофиқлик сертификатига эга бўлди.

Сирасини айтганда, сифатли дон – сифатли нон. Жамоанинг мақсади юртдошларимизнинг фаровон ҳаётига ҳисса қўшиш, ғаллакорларнинг, қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятини мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.

Д.НИЗОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавдонинспекция» марказий лабораторияси мудири.

нинг эътиборини тортдиган, уларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот олами асрашга чорловчи баннерлар тайёрланиб, таъсирчан тарғибот ишлари олиб борилди. Шунингдек, турли тадбирлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. Ёзги болалар дам олиш оромгоҳларида ёш авлодни она табиятга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Албатта, амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар замирида юртимиз табиятини ва табиий неъматларини асраб-авайлаш, келгуси авлодлар учун мусофаф осмон, тиниқ сув, тоза ҳаво ва обод Ватан қолдириш ҳисси муажжасамдир. Лойиҳа доирасида тайёрланган кўргазмали материаллар ва ўтказилган тадбирлар ҳам юртдошларимизни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлашга, биохимикликни асрашга ундайди. Энг муҳими, шу муқаддас замин фарзанди сифатида фахрланиш туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

Эркин ОМОНОВ,
Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари.



БОҒБОН ТАЖРИБАСИ

СОВУҚ ҲАМ ЕТАРЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Қиш – барча турдаги дарахтлар учун тиним даври. Ҳўш, бу даврда дарахтлар танасида қандай ўзгаришлар кечади, совуқнинг дарахтга таъсири қанақа, кеч куз ёки қишда қўйлайдиган сувнинг дарахтларга фойдаси қандай? Қуйида ушбу саволларга жавоб сифатида андижонлик тажрибали боғбон Машъал ХУШВАҚТнинг мавзуга оид фикрлари билан танишамиз.

– Тиним даврида дарахтлар ёз мавсумида тўпланган захирани оз миқдорда сарфлайди. Дарахт танасида захира бўлган шакар қиш мавсумида парчланади ва дарахт танаси бўйлаб тарқалади. Бу суюқлик дарахтни «антифриз» сифатида қиш совуғида зарарланишдан сақлайди. Дарахт совуқдан зарарланмаслиги учун қузда берилган сув ёки ёмғир суви жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Субтропик мамлакатларда шафтоли дарахтини етиштиришдаги асосий муаммолардан бири шафтоли дарахтининг совуқ ҳароратга талаби юқориллигидир. Чунки бундай минтақаларда қиш ўртача ҳарорат минус бешини ташкил этиши мумкин. Бу даража эса шафтоли навлари учун етарли ҳисобланмайди.

Аксарият мевали дарахтлар учун етарли совуқ ҳарорат (–7) бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар қиш илқ жуда муҳимдир. Шунингдек, дарахтлар баҳорда ўсишга киришиб, фаол гуллаши учун тиним даврида маълум бир совуқлик йўғиндисини олишлари муҳим ҳисобланади. Бу нарса ҳар бир мевали дарахт турсига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

ЗАНГОРИ КОШИНЛАР СИНОАТИ

Матчоновлар сулоласи кулолчилик ҳунарини санъат даражасига етказиб келмоқда

Хоразм вилояти

Хоразмда кулолчилик ҳақида гап кетгудек бўлса, хонқалик Раимберди ота Матчонов номини алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олинади. Уста ҳунарманд Раимберди ота ҳаётлигида қадимий кошинкорлик санъатини қайта тиклаб, тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатган. Унинг қўли билан яратилган кошинлар бугунги кунда барча вилоятлардаги тарихий обидаларга қайта ҳаёт бахш этиб турибди.



Устанинг ижодий ишлари нафақат республикада, балки Италия, Франция, АҚШ, Япония, Малайзия, Хиндистон, Туркия давлатларида ҳам санъат мухлислари таҳсинига сазовор бўлган. Унинг қўлида жило толган маданий мерос намуналари Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари санъат музейларида авайлаб сақланмоқда.

Унда иштирок этиб қайтган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчилари Мафтуна Саматбоева кумуш, Дониёр Язданов ва Шаҳзод Қурақбоевлар бронза медалларни қўлга киритди.

Самарқанд вилояти

Шу йилнинг 10-16 январь кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида математика, физика ва информатика бўйича XIV халқаро Жаутиков фан олимпиадаси ўтказилди.

БИЛИМДОН ЁШЛАР – ЮРТНИ ОЛҚИШЛАР

Унда иштирок этиб қайтган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчилари Мафтуна Саматбоева кумуш, Дониёр Язданов ва Шаҳзод Қурақбоевлар бронза медалларни қўлга киритди.

Шу муносабат билан лицейда голибларни қутиб Нуриддин БОЛИЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Жўраев Сирдарё туманидаги 21-умумтаълим мактабда илк саводини чиқарган. У ушбу таълим масканидан еттичи қиққан йirik олимлардан биридир.

МАКТАБДА АКАДЕМИК БИЛАН УЧРАШУВ

Академик яқинда ўзи таълим-тарбия олган муассасага келиб, ўқувчи ва ўқитувчилар билан давра суҳбати ўтказди. Унда олим беғубор болалик йиллари, ҳаёти йўлидаги машаққатли меҳнати, илм-маърифат йўлидаги изланишлари борасида сўз юритди.

Шу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун эса газдан фойдаланиш қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш лозим. Ўзини газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш даркор.

Уста ота-боболаридан ўрганган қадимий сир тайёрлаш, нақш солиш технологиясини яхши ўлаштирилганлиги сабаб у яратган ишлар бошқа усталарникидан ажралиб туради.

Раимберди Матчонов Пахлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлаш, Урганч шаҳридаги ал-Беруний ва ал-Хоразмий ёдгорлик мажмуаларини зангори кошинкорлик асосида бе-заш ишларига раҳбарлик қилган.

Уста ота-боболаридан ўрганган қадимий сир тайёрлаш, нақш солиш технологиясини яхши ўлаштирилганлиги сабаб у яратган ишлар бошқа усталарникидан ажралиб туради.

Раимберди ота 1978 йилдан умрининг охиригача Республика халқ амалий санъати «Усто» бирлашмаси Хоразм бўлимида фаолият

кўрсатди. Халқ амалий санъатини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди.

Одилбек отасидан ўрганган кулолчилик аъёналари асосида юқори натижаларга эришиб келаётир. У томонидан яратилган кулолчилик буюмлари дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, Бирлашган Араб Амириклари, Малайзия ҳамда Жа-нубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро кўرғазмаларда намойиш этилди.

Тошкент шаҳридаги замонавий санъат маркази биносининг ташқи қисми, Бухоро вилоятидаги Баҳо-вуддин Нақшбандий зияратгоҳининг айвон қисми деворлари Одилбек уста томонидан зангори кошинкор-лик услубида безатилган.

Одилбекнинг ишлари республикамизнинг нуфузли кўрик-тан-ловларида эътироф этилиб, юқори

бахшланган. «Ташаббус – 2007» ва «Эътироф – 2014» кўрик-танловла-рида «Йилнинг энг яхши ҳунарман-ди» деб топилган. У ҳозирги кунда ака-укалари, фарзандлари ва шо-гирдлари билан Урганч шаҳридаги янги қурилаётган иморатларга зеб беришга баҳоли қудрат хисса қў-шмоқда.

– Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчи-

ликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони биз – хунар-мандларни янада тўлқинлантириб юборди. – дейди уста кулол Одилбек Матчонов. – Фармонда белгиланган имтиёзлар бизни янада шижоат би-лан ишлашга ундамоқда.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

БОЗОРДА ЗИЁ МАСКАНИ

Наманган шаҳридаги «Дўстлик» буюм бозорида «Ёшлар иттифоқи кутубхонаси» иш бошлади

Кутубхонанинг очилишига бағишланган маросимда шаҳар жамоатчилиги, ёшлар, китобхонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ёшлар ташкилоти шаҳар кенгашининг бу борадаги ташаббуси бозор маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланиб, худуддаги бинолардан кутубхона учун хона ажратилди ва зиё маскани номига муно-сиб равишда таъмирланиб, жиҳозлаб берилди.

– Ҳозирча 3 минг нус-хадан иборат китоб фон-дига эга зиё маскани фи-дойи ёшлар савий-ҳаракати билан шакллантирилди, – дейди кутубхона муди-раси Нигора Усмонова. – Яъни, ташкилот фаоллари ва аъзолари ташаббусдан четда турмай, кутубхона учун энг сара адабиёт на-муналаридан тўхфа этди. Эзгуликнинг қаноти бор, де-ганлари рост экан, шахсий кутубхонасидан китоб кел-

тириб топшираётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Бозор ичидаги мўъжаз кутубхонада китобхонлар-га хизмат кўрсатиш тегиш-ли тартиб-қоида асосида йўлга қўйилган. Ихчам стол-стуллар билан жиҳоз-ланган шинам ўқув за-лида бир вақтнинг ўзида 10 га яқин китобхон муто-лаа қилиши учун қулай шар-оит яратилган.

– Бозорда 300 та савдо шохобчаси мавжуд, – дей-ди «Дўстлик» буюм бозори раҳбари Шухрат Эшонда-даев. – Ҳар бирида камида икки нафардан тadbиркор фаолият юритади. Бундан ташқари, бозор ишчи-хо-димлари билан бирга 700 га яқин кишининг куни шу ерда ўтади. Уларнинг вақт ажратиб атайин кутубхо-

нага бориш имконияти чекланган, чунки бизнесда «Вақт – бу пул» деган қонуният мавжуд. Энди бо-зордаги тadbиркорларнинг узоққа боришига ҳожат йўқ. Ўз маънавий эҳтиёжлари-ни шу ерда таъминлаш им-конияти яратилди. Бозор атрофида яшовчи аҳоли, ёшлар ҳам кутубхона хиз-матидан фойдаланишлари мумкин.

Ёшлар ташкилотининг мазкур лойиҳаси давлат-тимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ри-вожлантириш, китоб муто-лааси ва китобхонлик ма-даниятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш буйича ко-миссия тузиш тўғрисида»ги фармойишида кўзда тутил-ган эзгу мақсадлар йўлида-ги ўзига хос қадамлардан бири бўлди.

Акрамжон САТТОРОВ, Ўза мухбири.

Бухоро вилояти

ИЖТИМОЙ ДОРИХОНАЛАР ХИЗМАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН

Аҳолига сифатли дори воситаларини етказиб бериш мақсадида бир қанча қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Бухоро вилоятида ҳам ижтимоий дориҳоналар тармогини яратиш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Унда мазкур дориҳоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқа-ли ижтимоий аҳамиятта эга фармацевтика маҳсулотларини топиш имкониятини ошириш, дори воситаларини рецетп буйича сотиш тартибини йўлга қўйиш назарда тутилган.

– Худудимизда 144 та дав-лат тасаруфидоги дориҳона фаолият юритиб келмоқда, – дейди «Бухоро дори-дармон» МЧК раҳбари Дилмурод Аха-тов. – Жондор, Шофиркон, Воб-кент, Ромитан, Қорқувилбозор туманларидаги марказий до-риҳоналар негизда биттадан ижтимоий дориҳона фаолият кўрсатмоқда. Уларда дори воси-таларининг 70 фоизи маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилган арзон нарх-даги маҳсулотлардан иборат бўлиши, реализация қилинади-

ган дори воситалари ва тиббий буюмларга 15 фоиздан ош-маган савдо устамаси қўллаш тартиби ўрнатилган ҳамда ҳар бирида «Фитобар» ташкил этил-ган.

Мазкур дориҳоналар бево-сита Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги та-саруфидоги шифохона ҳамда поликлиникаларнинг ўзиде таш-кил этилгани аҳоли учун янада қўлайдир.

Жорий йилда Бухоро, Гиж-дубон, Пешку туманлари ва Когон шаҳрида замонавий ижти-моий дориҳоналар фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу воқеа аҳолисини сифатли ва ка-фолатланган дори воситалари билан таъминлаш имконини яратади.

Ҳамроз АЛИ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳридаги «Атлас» савдо мажмуасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан хунармандлар маҳсулотлари кўрғазмаси ташкил этилди.

«АТЛАС»ДА ХУНАРМАНДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Унда каштачилик, зардўз-лик, заргарлик, кулолчилик, гиламдўзлик, уй-розор буюм-лари, шунингдек, турли сувенир-лар намойиш ўрин олди.

– Кўрғазмада йигирма хил-дан ортқ адрас ва баҳмал

матоларини намойиш этдик, – дейди шаҳрсабаблик тadbиркор Махлиё Маннонова. – Айниқса, миллий услубда тикилган чо-пон, нимча, табиий ипак матоси-дан тайёрланган шарфлар, оёқ кийимлар ҳамда сумкалар кўп-чиликда қизиқтиришга қўлай. Кўл меҳнати билан ясалган 50 дан ортқ шарқона зеб-зийнатлар, заргарлик буюмлари ўшун қар-ни ўзига элтиб этди.

Қайд этлш жоизки, бундай кўрғазма энди ҳар ҳафта ша-ба ва яқшанба кунлари ташкил этилади. Унда хунармандчилик маҳсулотларини харид қилиш имкони ҳам яратилган.

Хусан ТЕМИРОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Жиззах вилояти

ИННОВАЦИОН АВТОМАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Жиззах шаҳрида «Автотест Жиззах» ўқув маркази иш бошлади

Марказ замон талабарига монанд жиҳозланган 6 та аудитория, 1 та тест имтиҳонлари олинадиган хона ҳамда 40 та компьютерга эга. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 720 та ҳайдовчини қайта тайёрлаш имкони бор.

– Марказимизда халқаро тажрибалардан кенг фой-даланилади, – дейди «Ав-тотест Жиззах» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Норбой Яхшибоев. – Жум-ладан, ўқиш давомида ўйин, баҳс-мунозара, интерактив жамоавий беллашуvs ус-лублари самарали қўлла-нилади. Ҳайдовчиларнинг маҳоратини ошириш, мурак-аб вазиятларда ўзини йўқот-масликка ўргатиш, руҳий ва соҳага оид интеллектуал салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қарати-лади. Шу мақсадда 60 дан ошқ видеоролик ва ҳуж-жатли кўрсатувлар намойиш этилади. Биз йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

амалга оширилади. Бир ҳай-довчининг малака ошириши учун юридик шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдориде тўлов қилишлари лозим. Курсни тугаллаганларга пластик сертификатлар топширилади.

Яна бир маълумот: яку-ний тест имтиҳониде қони-наркли натижага эриша олмаганлар курсда қайта ўқишлари тўғри келади. Қисқаси, «Автотест» йўл ҳа-рақиш тизимини янада тако-миллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, юридик шахсларга тегишли транс-порт воситаларини бошқа-радиган ҳайдовчилар ҳар икки йилда бир марта ҳафта давомида 30 соатлик ўқув курсларида малакаларини оширишлари шарт. Ўқувнинг 24 соати аудиторияда, 6 со-ати мустақил иш тарзида

Алижон АБДУСАТТОРОВ

ЭЪЛОНЛАР

«Qishloq hayoti» muhbirining xabar berishiga ko'ra, «Uzetkombinat» aksiyadorlik jamiyati tarkibiga kiruvchi Agro-kompleksi yanada takomillashtirish maqsadida quyidagi texnika vositalarini sotib olishni ma'lum qiladi: 1. Xaydov traktori (Arion-630 va boshqalar); 2. Transport va ishlov traktorlari (MT3-1025, MT3-1221, MT3-80 X va boshqalar); 3. Arregatlar (kultivator, plug obrototnyy "Lemkin", borona, er tekislagich, OVB-1.5, presopborshik "Klass", H.P.Y., priel2-TPTC-4, pogruunchi WZ-3025, kasilka rotorniy, kanalakapatel va boshqalar).

QISHLOQ HAYOTI MUASSISLAR: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология комплекси тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТИШБАЕВ, Муҳаммаджон ТИШБАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодийр ЙУЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04. Вилоятлар: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99893) 940-10-78; Намангон – (+99891) 332-50-99; Фарғона – (+99893) 948-53-86; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-80; Сурхондарё – (+99890) 644-44-11; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99897) 790-47-61; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-113, ҳажми 2 босма табоқ. Осовет усулида босилди, қорғоғ бичими А-2. Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзиде компьютерде терилди ва дизайнёр Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди. 21805 нусхадe чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 02.40.

ISSN 2010-7021. Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШИЕВ. Мусаҳҳиж: Д.КОМИЛЖОНОВА.